O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Bog‘ot shaharchasi , O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 11 - dekabr **44 -son** **Bog‘ot shaharchasi**

1. Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 18 декабрдаги 462к-сонли қарори ижросини таъминлаш, туманда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман ҳокимиятининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан туман ҳокимиятига жами 33 000 минг сўм маблағ ажратилсин.

2. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Туман Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. Боғот тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (Р.Шарипов)га ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими
вазифасини бажарувчи **Ш.Яхшибаев**